


НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнгги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.



Соғлом овқатланиш: бу йўналишда нима кутилмоқда

Президентнинг 10.11.2020 йилдаги «Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4887-сон қарори қабул қилинди.

2021 йил 1 апрелдан бошлаб биринчи нав бугдой уни билан бир қаторда олий нав бугдой уни микро-нутриентлар билан бойитилган тақдирда республика ҳудудида реализация қилишга рухсат этилади (ҳозир бу I-нав унга тааллуқли, таҳр.). Шу муносабат билан уни бойитиш учун микронутриентлар бўйича (ТИФ ТН коди 2106 90 980 3) импорт божхона божининг ноль даражаси ставкаси жорий этилмоқда (илгари – божхона қийматининг 30%).

2021 йил 1 июндан бошлаб 6-23 ойлик болалар учун уй шароитида тайёрланган овқатларни бойитиш мақсадида микронутриент кукунни билан; 6 ойликдан 5 ёшгача бўлган болалар «А» витамини билан; 2-10 ёшдаги болалар гелиминтоз профилактикаси бўйича маҳсус препаратлар билан бепул таъминланади. **2022 йил 1 июлдан бошлаб** эса ҳомиладор ва бола эмизувчи аёллар ҳамда 3-15 ёшдаги болалар йод препарати билан; 35 ёшгача туғиш ёшидаги аёллар темир ва фолий кислотаси препарати билан бепул таъминланади.

Озиқ-овқат маҳсулотлари таркибидаги туз, шакар ва ёғларнинг миқдорини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг инсон соғлиғи учун хавфсиз ёки зарарли эканлигини кўрсатувчи белгилар билан босқичма-босқич тамғалаш жорий этилади (санитария назорати органлари томонидан белгиланади, таҳр.).

2021 йил 1 июлдан бошлаб – ихтиёрий равишда амалга оширилади. Бироқ таълим, спорт ва тиббиёт муассасаларида хавфсизлик белгиси билан тамғаланмаган озиқ-овқат маҳсулотларини сотиш тақиқ-

ланади – акс ҳолда савдо қоидаларини бузиш сифатида баҳоланади (МЖТКнинг 164-м. 1-3-қ.; ЖКнинг 189-м.). Тамғаланган озиқ-овқат маҳсулотларининг рекламаси имтиёзли тарифлар асосида тарқатилади (жойлаштирилади);

2025 йил 1 январдан бошлаб – мамлакатимизга реализация қилиш учун олиб кириладиган ва бу ерда чиқариладиган озиқ-овқат маҳсулотлари учун мажбурий тартибда.

2022 йил 1 январга қадар патронажнинг универсал-прогрессив модели босқичма-босқич жорий этилади – ҳомиладор ва туғруқдан кейинги даврдаги аёллар ҳамда 5 ёшгача болалари мавжуд оилалар учун алоҳида патронаж ҳамшираси бириктирилади. Улар ўз васийлигидагилар соғлигининг умумий ҳолатини кузатиб боришади ва:

> умумий ҳолати қониқарли бўлганларни бевосита кузатишади (ягона меъёр асосида);

> руҳий тушкунлик ҳолати, боланинг тўғри овқатланиши ва ривожланиши учун соғлом муҳитни таъминлашда қийинчиликлари мавжуд бўлганларга кенгайтирилган ёрдам кўрсатишади (индивидуал режа асосида).

2021 йил 1 январдан бошлаб Сирдарё вилоятида навбатдаги эксперимент бошланади – туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникаларида «Тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзи» хоналари ташкил этилади. Улар шифокор ва ўрта тиббиёт ходимлари билан тўлдирилади. Хоналар аҳоли орасида яқка тартибда профилактик тадбирларни олиб боради.

Лойиҳа ва қурилиш ташкилотларига рейтинг жорий қилинади

Вазирлар Маҳкамаси 9.11.2020 йилдаги «Лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотлари рейтингини ҳисоблаш ва юритиш тартибини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 699-сон қарорни қабул қилди.

Қарор билан Лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотлари рейтингини ҳисоблаш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди. Белгиланишича, рейтинг ҳисоби Қурилиш вазирлиги томонидан тасдиқланадиган методикалар асосида юритилади.

Рейтингларни ҳисоблаш учун Қурилиш вазирлигига:

- > Давлат солиқ кўмитаси, Давлат статистика кўмитаси ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан иш тажрибаси, ходимлар, шу жумладан, малакали мутахассислар сони, асосий воситалар ҳажми, олинган даромадлар, тўланган солиқлар ва иш ҳақи фонди тўғрисидаги маълумотлар;
- > Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси томонидан қурилиш тугалланган объектлар ҳажми, шаҳарсозлик қўнунчилигини бузиш ҳолатларини бартараф этиш тўғриси-

даги бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмаларнинг мавжудлиги ва уларнинг ижроси тўғрисидаги маълумотлар;

> бошқа мутасадди вазирлиқлар ва идоралар томонидан зарур идоравий маълумотлар тақдим этилади.

Қурилиш вазирлиги, ДСҚ, Давлат статистика кўмитаси, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, мутасадди вазирлиқлар ва идораларга:

> рейтингларни жорий этиш учун «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизими билан интеграциялаштирилган дастурий таъминотлар бир ой муддатда ишлаб чиқиши ва ишга туширилишини;

> рейтинглар ҳисобини юритиш учун зарур бўлган статистик ва идоравий маълумотлар реестрларини ўзида акс эттирган идоралараро ҳужжатлар икки ҳафта муддатда ишлаб чиқиши ва тасдиқланишини ҳамда ижро этилишини таъминлаш топширилди.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги рейтинглар ҳисобини юритиш учун зарур бўлган дастурий таъминотларни ишлаб чиқиш ҳамда «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизими билан интеграциялаштириш ишлари-

Эксперимент натижалари бўйича тажриба, эҳтиمول, бутун мамлакат бўйича татбиқ этилади.

2021/2022 ўқув йилидан бошлаб мамлакатимиз таълим муассасаларининг ўқув дастурларига туза-тишлар киритилади:

а) куйидагилар киритилади:

> мактабгача таълим ташкилотларида – «Шахсий гигиена ва жисмоний тарбия асослари» машғулотлари;

> умумий ўрта таълим муассасаларида – тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш бўйича «Саломатлик сабоқлари» мавзулари (1-4-синфларда – «Тарбия» ва «Атрофимиздаги олам» фанлари, юқори синфлар учун – «Биология» фани дастурларига);

> академик лицей, профессионал ва олий таълим муассасаларида – «Жисмоний тарбия» фани доирасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш бўйича машғулотлар;

> тиббиёт олий таълим муассасаларида бакалаврият, клиник ординатура, магистратура, тиббиёт коллежлари ва Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги техникумларининг барча йўналишларида – тўғри овқатланиш мавзулари алоҳида цикл;

> барча мутахассислиқлар бўйича врач ва ўрта тиббиёт ходимлари малакасини ошириш, қайта тайёрлаш курслари бўйича фан дастурларига – «Соғлом турмуш тарзи ва тўғри овқатланиш мезонлари» мавзулари.

б) тиббиёт техникумларида валеолог, диетолог, нутрициолог мутахассислиқларини тайёрлаш, нутрициолог ва диетолог магистратура (интернатура, клиник ординатура) мутахассислиқларини 1 йиллик ўқув дастурлари асосида тайёрлаш йўлга қўйилади.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 11.11.2020 йилдан кучга кирди.

Олег Заманов, «Norma» МЧЖ эксперти.

да Қурилиш вазирлигига, мутасадди вазирлиқлар ва идораларга амалий ёрдам кўрсатиш топширилди.

Низом Ўзбекистонда рўйхатдан ўтган ва асосий фаолият тури қурилиш-монтаж ишлари ва хизматларни амалга оширишдан иборат бўлган ҳамда шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун тегишли лицензияга эга бўлган юридик шахсларнинг рейтинг маълумотларини шакллантириш ва юритиш тартибини белгилайди.

Шунингдек, Низомда:

> рейтингларни ҳисоблашга оид маълумотлар базаларини шакллантириш ва юритиш тартиби;

> рейтинглар натижаларини ҳисоблаш ва эълон қилиш тартиби;

> лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотларини рейтингларга киритиш ва ундан чиқаришнинг асослари баён қилинган.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 9.11.2020 йилдан кучга кирди.

Баҳодир Бухорий.

Ушбу сонда:

3-БЕТ

Директор ўз ўринбосарига ишончнома берганда

5-БЕТ

Ходим йилда икки марта таътилга чиқмоқчи...

6-БЕТ

Моддий ёрдам сўрашга қўйиладиган талаблар

7-БЕТ

Пандемия даври: хоригга чиқиш, меҳмон қақирини масалалари

Божхона йиғимлари ставкалари тасдиқланди

Вазирлар Маҳкамаси 9.11.2020 йилдаги «Божхона йиғимлари ставкаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 700-сон қарорни қабул қилди (қарор матни «СБХ» ушбу сонининг ҳужжатлар пакетида чоп этилмоқда).

Президентнинг «Божхона маъмуриятчилигини тақомиллаштириш ва Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2018 йил 24 ноябрдаги ПФ-5582-сон Фармонида мuvoфoқиқ куйидаги вазифаларни ҳал қилиш учун кўрсатилган хизматлар учун божхона йиғимлари ставкалари тасдиқланди:

➢ божхона органлари томонидан амалга оширилган пулли хизматлар турларини кенгайтириш ҳамда

қатъий белгиланган божхона йиғимлари ставкаларини белгилаш;

➢ рухсат этувчи хусусиятдаги ҳужжатларни бериш билан боғлиқ айрим турдаги божхона йиғимларини бекор қилиш ва уларни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш;

➢ товарларни божхона ҳудудидан ва унинг ҳудудидан ташқарида қайта ишлаш божхона режимларида расмийлаштирилганлик учун божхона йиғими ставкаларини пайсатириш;



➢ божхона назорати остида ташилаётган товарларни етказиб бериш муддатига риоя қилмаслик учун маъмурий жавобгарлик ўрнига моливий чора сифатида божхона йиғимини жорий этиш.

Божхона йиғимлари ставкалари

Божхона йиғими тури	Ставкаси
Куйидагиларнинг божхона расмийлаштируви учун*:	
а) божхона юк декларацияси (БЮД)ни тақдим этиш орқали эквиваленти куйидаги божхона қийматидаги товарларни тегишли божхона режимларида («экспорт», «божхона ҳудудидан қайта ишлаш» ва «божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлаш», «транзит», «йўқ қилиш», «вақтинча сақлаш», «давлат фойдасига воз кечиш» ва мазкур банднинг «г» ҳамда «д» кичик бандларида кўрсатилган товарлардан ташқари):	
\$10 000 гача	1 БҲМ**
\$10 000 дан 20 000 гача	1,5 БҲМ
\$20 000 дан 40 000 гача	2,5 БҲМ
\$40 000 дан 60 000 гача	4 БҲМ
\$60 000 дан 100 000 гача	8 БҲМ
\$100 000 дан 200 000 гача	15 БҲМ
\$200 000 дан 500 000 гача	30 БҲМ
\$500 000 дан 1 000 000	58 БҲМ
\$1 000 000,01 ва ундан ортиқ	75 БҲМ
б) «Экспорт» божхона режимда БЮДни тақдим этишда:	
\$20 000 дан	50% БҲМ
\$20 000 дан 40 000 гача	1 БҲМ
\$40 000 дан 60 000 гача	2 БҲМ
\$60 000 дан 100 000 гача	3 БҲМ
\$100 000 дан 200 000 гача	5 БҲМ
\$200 000 дан 500 000 гача	10 БҲМ
\$500 000 дан 1 000 000 гача	25 БҲМ
\$1 000 000 ва ундан ортиқ	50 БҲМ
в) «Божхона ҳудудидан қайта ишлаш», «божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлаш» ва «транзит» божхона режимларида БЮДни тақдим этишда – БЮДнинг асосий варағи учун	50% БҲМ
ҳар бир қўшимча варағи учун	25% БҲМ
г) Юридик шахслар томонидан нақд чет эл валютасини олиб келишда БЮДни тақдим этишда (бир донга декларация учун);	2,5 БҲМ
д) товарларни божхона кирим ордерини қўллаш орқали;	25% БҲМ

*Товарларни «давлат фойдасига воз кечиш», «йўқ қилиш», «вақтинча сақлаш» божхона режимларига расмийлаштирилганлик учун божхона йиғимлари ундирилмайди;

**БҲМ – базавий ҳисоблаш миқдори;

***Божхона расмийлаштирувини амалга ошираётган ходим хизмат олиб борадиган божхона пости ва унга бириктирилган божхона омбори, эркин омбор ҳамда бож олинмайдиган савдо дўкони божхона расмийлаштируви жойлари ҳисобланади;

****Божхона органлари иш вақтидан ташқари (18.00 – 9.00) вақт бу, божхона юк декларациясини расмийлаштирган пайт (БЮДнинг «D» графасига божхона органи томонидан белги қўйилган вақт) ҳисобланади;

Божхона йиғими тури	Ставкаси
БЮДни ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш учун (қоғоз шаклдаги БЮДда бир донга БЮД учун, электрон шаклдаги БЮДда бир донга БЮДни тузатиш шакли учун)	25% БҲМ
Божхона расмийлаштируви учун белгиланган жойлардан*** ташқаридаги ва (ёки) божхона органларининг иш вақтидан ташқари вақтдаги божхона расмийлаштируви учун («экспорт» божхона режими бундан мустасно):	
а) божхона органлари иш вақтидан ташқари (18.00 – 9.00)****, дам олиш ва байрам кунлари (ҳар бир БЮД учун);	2 БҲМ
б) божхона органи ходими томонидан (унинг иштирокида) исталган божхона назорати давомида божхона кўригини, кўздан кечирувни, қайта юклаш операцияларини амалга ошириш билан боғлиқ ҳаракатларни бажарганлиги (бир соатлик иш учун)*****; кундузги вақтда (9.00 – 18.00 иш вақтида);	25% БҲМ
Божхона органлари иш вақтидан ташқари (18.00 – 9.00), дам олиш ва байрам кунлари	2 БҲМ
Эгаси божхона органи бўлган божхона омборида товарларни сақлаганлик учун (ҳар бир сутка учун)*****:	
дастлабки 10 сутка мобайнида (тўлиқ, тўлиқ бўлмаган) 1 тонна (брутто) учун;	3% БҲМ
ҳар бир кейинги суткалар учун (тўлиқ, тўлиқ бўлмаган) 1 тонна (брутто) учун	4% БҲМ
Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан битта автотранспорт воситасини куйидаги масофаларга божхона ҳамроҳлигида кузатиб борганлик учун:	
200 км масофагача;	2 БҲМ
200 км дан ортиқ масофагача	5 БҲМ
Дастлабки қарорни қабул қилганлик учун*****	75% БҲМ
Автотранспорт воситасини бир календарь йил давомида тўхсон календарь кундан ортиқ муддатга вақтинчалик олиб кирганлик учун	Олиб чиқиб кетиш муддатининг ўтказиб юборилган ҳар кунини учун транспорт воситасининг ҳар бир от кучи учун БҲМнинг 0,7 %и миқдорида*****
Божхона назорати остида ташилаётган товар ва транспорт воситалари учун белгиланган етказиб бериш муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кунини учун	1 БҲМ

*****Божхона органи томонидан бир соатдан кам бўлган вақт сарф қилинган тақдирда, божхона йиғими бир ходимнинг тўлиқ бир соат иш вақти учун ундирилади;

*****Суд қарорига асосан давлат фойдасига ўтказилган ёки йўқ қилинадиган товарларни сақлаганлик учун йиғим ундирилмайди;

*****Товарни таснифланиши бўйича дастлабки қарор бекор қилинганда, ўзгартирилганда ёки қайтиб олинганда уни қабул қилганлик учун тўлов қайтарилмайди;

*****Умумий ҳисобланган йиғимлар қиймати, транспорт воситасини «эркин муомалага чиқариш» божхона режимига жойлаштирилгандаги тўланиши лозим бўлган божхона тўловлари суммасидан ошмаслиги шарт.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) 10.11.2020 йилда эълон қилинган ва 1.01.2021 йилдан кучга кирилади.

Пола Абдуазимова.

УШБУ СОНДА	<ul style="list-style-type: none"> ● ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР – Янги ҳужжатларни тақдим этамиз 1-2-бетлар ● ХЎЖАЛИК ЮРИТИШ ҚОИДАЛАРИ – Муҳр – жисмоний шахснинг хоҳишига кўра – Ишончноманинг ўзи етарли 	<ul style="list-style-type: none"> – ЯТТ: чакана савдонинг ўзига хос жиҳатлари 3-бет ● КАДРЛАР БЎЛИМИ – Илтимосни асослаб бериш лозим – Корхонанинг локал ҳужжатларига мувофиқ – Маълумотноманинг ҳақиқийлигини текширинг – Бухгалтерни қандай жазолаш мумкин 	<ul style="list-style-type: none"> – Рад этиш ноқонуний – «Собиқ» директор маъмурий жавобгарликка тортилади 4-5-бетлар ● СИЗНИНГ ХУҚУҚИНГИЗ – Мулкдорга – устувор ҳуқуқ – Йўлни ҳокимият таъмирлайди – Қоидалар ҳаммага ҳам татбиқ этилавермайди 6-бет 	<ul style="list-style-type: none"> ● ПАСПОРТ МАСАЛАЛАРИ – Кетишга улгурмади – Ишончнома бўйича ёзиб берилади – Пандемиядан кейин меҳмонга – Бутун оила учун кўп мартали виза 7-бет ● РАҲБАР ЭЪТИБОРИГА – Иш берувчи ходимни ишга тиклашга рози бўлмаганда 8-бет
------------	---	--	--	--

Тахририят аноним хатларга муносабат билдирмасликка, қонун ҳужжатларида белгиланган ташқари ҳолларда респондентнинг хоҳишига кўра у ҳақдаги ахборотни учинчи шахсларга бермасликка ҳақли.

«Норма маслаҳатчи» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга фақат «NORMA davriy nashrlari» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйлади.

Мухр – жисмоний шахснинг хоҳишига кўра

Юридик ва жисмоний шахс ўртасида фуқаролик-ҳуқуқий шартнома тузилган. Унинг шартларига кўра ижрочи кўрсатган хизматлар буюртмачи томонидан кўрсатилган хизматларни топшириш-қабул қилиш далолатномаси тузилган ҳолда қабул қилиб олинади. Ижрочи далолатномани ўз имзоси билан тасдиқлайди.

Жисмоний шахс кўрсатилган хизматларни топшириш-қабул қилиш далолатномасини, ФХШга қўшимча битимларни қўшимча тарзда тасдиқлаш учун шахсий муҳрига эга бўлиши мумкинми? Мухрда қандай маълумот кўрсатилишига рухсат берилади?

– Жаҳон банки ва «Бизнесни юри-тиш» халқаро молия корпорациясининг йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини янада ошириш бўйича «Йўл харитаси»да (5.02.2019 йилдаги ПҚ-4160-сон қарорга 1-илова) қонун ҳужжатларидан муҳр мавжуд бўлиши талабини ҳамда ҳужжатларнинг барча шакллари ва бланкаларидан «Мухр ўрни» бандини чиқариб ташлаш назарда тутилган (1-бўлим 2-банд). Мухр ва штампларни тайёрлаш, сақлаш ва фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом (АВда 27.10.2001 йилда 1077-сон билан рўйхатдан ўтказилган) 2018 йилда ўз кучини йўқотган деб эътироф этилган. Ҳозирча янги ҳужжат қабул қилинмаган.

Қонунчиликда жисмоний шахс шах-

сий муҳрига эга бўлишини тақиқловчи НХҚ мавжуд эмас. Тарафлар томонидан шартномани тасдиқлаш шартномага нисбатан қўйиладиган қўшимча, бироқ мажбурий бўлмаган талаб ҳисобланади (ФК 107-м. 5-қ.).

Жисмоний шахснинг муҳрида кўрсатиладиган маълумотларга келсак, унда герб тасвирини жойлаштириш, давлат расмий номини кўрсатиш тақиқланади («Ўзбекистон Республикаси давлат герби тўғрисида»ги Қонуннинг 4-м.; ВМнинг 11.10.2014 йилдаги 286-сон қарорига 1-илова). Юридик шахснинг муҳрига ўхшаб, унда жисмоний шахснинг Ф.И.О., фаолият турини кўрсатиши мумкин.

Наргиза Воҳидова,
«Norma» МЧЖ эксперти.



Ишончноманинг ўзи етарли

МЧЖда директор ўринбосарига директор номидан ҳужжатларни имзолаш учун ишончнома берилган. Ишончномани тасдиқлаш учун буйруқ чиқариш зарурми ёки ишончноманинг ўзи етарлими?


– Қоидага кўра, буйруқ шарт эмас, ишончноманинг ўзи етарли.

Ишончнома бир шахс (ишонч билдирувчи) томонидан бошқа (ишонч билдирилган) шахсга учинчи шахслар олдида тақдим қилиш учун бериладиган ёзма шаклдаги ваколат деб эътироф этилади. Юридик шахс номидан ишончнома фақат юридик шахснинг уставида (низомида) кўрсатилган фаолият мақсадларига зид бўлмаган битимларни амалга ошириш учун берилиши мумкин (ФК 134-м.). Бундан келиб чиққан ҳолда ишончнома асосан учинчи шахслар олдида ҳаракатларни амалга ошириш учун берилади. Масалан, бошқа ташкилотларда юридик шахс номидан шартномаларни тузиш,

ТМҚни олиш, бирор-бир ҳужжатларни расмийлаштириш ва ҳ.к. Бундай ҳаракатларни амалга ошириш учун буйруқ шарт эмас, ишончноманинг ўзи етарли бўлади.

Раҳбарнинг корхона бўйича ишларни юритиш, шу жумладан локал ҳужжатларни тасдиқлаш ва имзолаш, ходимларни ишга қабул қилиш, буйруқ ва фармойишлар чиқаришга оид ваколатлари ходимга берилишини буйруқ билан расмийлаштириш лозим. Қоидага кўра, раҳбар вақтинча ишда бўлмаганда (хизмат сафариди, таътилда бўлганда) бундай буйруқ чиқарилади.

Нурали Нурмухамедов,
«Norma» МЧЖ эксперти.



ЯТТ: чакана савдонинг ўзига хос жиҳатлари

Якка тартибдаги тадбиркорга 5 000 АҚШ долларидан ошмайдиган суммада товарларни олиб кириш шarti билан импорт қилинган товарлар билан чакана савдоси қилиш ҳуқуқига бўлган патент берилди. Маълумки, ЯТТ импорт билан шугуллана олмайди, чунки у автоматик тарзда ҚҚС тўловчига айланади ва юридик шахслар қаторига ўтказилади.

ЯТТ импорт қилинган товарларни чакана савдо қилиш ҳуқуқига эга бўлганда фаолиятни қандай тўғри юритиши мумкин (бу мутлақ импорт қилинган товарлар олди-сотдисими ёки маҳаллий товар ҳам мазкур тушунчага киритиладими)?

Патентда чакана савдо кўрсатилган бўлса, ЯТТ савдо шохобчасига (дққон) эга бўлиши, унга терминал ва касса аппаратурини ўрнатиши кераклигини аниқлаш мумкинми?

ЯТТ товарни ҳужжатлар бўйича кириш қилмасдан туриб сотиши, яъни бозордан жисмоний шахс сифатида сотиб олиши ва кейинчалик устама нарх қўйиб сотиши мумкинми?

– Импорт ва чакана савдо бир ойда товарлар 5 000 АҚШ доллари эквивалентидан ошмайдиган қийматда олиб келиниши шarti билан якка тартибдаги тадбиркорлар юридик шахсни ташкил этмаган ҳолда шугулланиши мумкин бўлган фаолият турларига киритилади (Рўйхатнинг 5-б., ВМнинг 7.01.2011 йилдаги 6-сон қарорига 1-илова).

Товарлар импорти ва чакана савдосидан иборат фаолият тури бошқа турлари билан бир вақтда асосий ёки қўшимча фаолият тури сифатида танланмайди (Аризага 6-изоҳ, ВМнинг 9.02.2017 йилдаги 66-сон қарори билан тасдиқланган Низомга 4-илова). Яъни ушбу фаолият тури ЯТТ уни танлаганда ягона бўлиши лозим.

ЯТТ турғун савдо шохобчаси ёки савдо комплексларида талабларга риоя қилган ҳолда ўзи импорт қилган товарларнинг чакана савдоси билан шугулланиши мумкин (ВМнинг 26.11.2002 йилдаги 407-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг IV, V бўлимлари). Электрон тижоратда НКМ ва турғун савдо шохобчаси бўлиши шарт эмас (ВМнинг 2.06.2016 йилдаги 185-сон қарори).

Товарларни импорт қилувчи ЯТТ товарлар (ишлар, хизматлар)ни реализация қилишдан олган тушумининг миқдоридан қатъи назар, ҚҚС тўловчи деб эътироф этилади (27.06.2019 йилдаги ПФ-5755-сон Фармоннинг 2-банди

«б» кичик банди). Шунингдек Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали товарларни олиб ўтадиган ЯТТ ҚҚС тўловчи деб эътироф этилади (СК 237-м. 1-қ. 6-б.). Бироқ бундан юридик шахс бўлиб қолмайди. ЯТТ ҚҚС тўловчи сифатида ўз фаолиятини давом эттираверади.

ЯТТ ҳужжатлар бўйича кириш қилмасдан туриб товарларни сотиб олиши ва сотиши мумкин эмас. Бундай фаолият солиққа оид ҳуқуқбузарлик деб қаралади (СК 222-м.). Якка тартибдаги тадбиркор томонидан товарлар (ишлар, хизматлар) олинган манбаларни тасдиқловчи ҳужжатлар куйидагилар ҳисобланади (АВ томонидан 19.03.2019 йилдаги 3143-сон билан рўйхатдан ўтказилган Низомнинг 8-банди):

- шартнома;
- товарлар (ишлар, хизматлар) олинганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар.

Товарлар (ишлар, хизматлар) реализация қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар куйидагилар ҳисобланади (Низомнинг 9-б.):

- НКМ умумий кўрсаткичи;
- ҳисоб-китоб терминаллари чекларининг нусхаси.

Яъни бундай ҳужжатларнинг ЯТТда бўлиши шарт.

Наргиза Воҳидова,
«Norma» МЧЖ эксперти.

Реклама

Ўзбекистон Республикаси
қонунчилиги
www.norma.uz



Илтимосни асослаб бериш лозим

Корхона ишлаб чиқариш соҳасида фаолият юрताди. Фаолият мунтазам тусга эга, маъсумий ва вақтинчалик ишлар мавжуд эмас. Ишлаб чиқариш жараёни узлуксиз тарзда амалга оширилади. Олий суд Пленумининг қарори (17.04.1998 йилдаги 12-сон) судларнинг эътиборини фақат МКнинг 76-моддасида назарда тутилган ҳолатлар мавжудлиги сабабли мuddатсиз меҳнат шартномаларини тузиш мумкин бўлмаган вазиятларда мuddатли меҳнат шартномалари тузилиши мумкинлигига қаратади. Сўнгги куйидагилар таъкидлаб ўтилади: «МКнинг 76-моддасида келтирилган, ходим билан мuddатли меҳнат шартномаси тузилишига йўл қўйиладиган ҳолатлар рўйхати мукамал ҳисобланганини инобатга олиш лозим. Ходим билан меҳнат шартномаси МКнинг 76-моддаси талаблари ҳисобга олинмаган ҳолда тузилган бўлса, шартноманинг мuddати тўғрисидаги шарт ҳақиқий ҳисобланмайди, ходим эса биринчи иш кунидан белгиланмаган мuddатга ишга қабул қилинган саналади».

Ишлаб чиқариш корхонаси ходимнинг ёзма шаклдаги аризасига асосан муайян мuddатга меҳнат шартномасини тузишга ҳақлими ва МКнинг 76-моддасига кўра «ходимнинг манфаатлари» нимани англатади?

– Меҳнат шартномасини тузишдан ходимнинг унга меҳнат шартномасининг мuddатини белгилаш тўғрисидаги ёзма шаклдаги аризасини ходимнинг манфаатлари учун деб талқин қилиш мумкин. Иш берувчи меҳнат шартномасини тузишда унинг илтимосини қаноатлантиришга ҳақлидир.

Иш берувчининг розилиги билан меҳнат шартномасида унинг мuddати тўғрисидаги банд тўлдирилаётганда меҳнат шартномаси мuddати ходимнинг илтимосига кўра ёзувини қайд этган ҳолда кўрсатилиши лозим. Меҳнат шартномасига ходимнинг ёзма аризасини илова қилиш керак, унда ходим ўз илтимосини асослаб бергани маъқул. Акс ҳолда назорат қилувчи органлар текширув чоғида ходимнинг манфаатларини кўзлаш-

дан ташқари бунга етарлича асослари бўлмаса-да, ходимни мuddатли меҳнат шартномасини тузишга мажбур қилинган деб талқин этишлари мумкин. Бундай ҳолатлар мунтазам такрорланмаслиги лозим.

Шунингдек иш берувчи мuddатли меҳнат шартномасини тузиш зарурати йўқлигини тушунириб, ходимнинг илтимосига кўра шартномада мuddат белгилашни рад этишга ҳақли. Ишга қабул қилинаётган ходим номуайян мuddатга тузилган меҳнат шартномасини 2 ҳафта олдин иш берувчининг ёзма равишда огоҳлантириб, бекор қилишга ҳақли эканлиги маълум қилинади. Ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан меҳнат шартномаси огоҳлантириш мuddати тугамасдан олдин ҳам бекор қилиниши мумкин (МК 99-м.).

Реклама



«СОЛИҚЛАР: САВОЛЛАР ВА ЖАВОБЛАР»

Ўзбек тилидаги қўлланмасини
тақдим этамиз

Тошкент ш., Миробод тумани, Тақдирмаржон кўч., 1/1.
Тел. (71) 200-00-90.
E-mail: office@norma.uz, web: www.norma.uz

Корхонанинг локал ҳужжатларига мувофиқ

Ташкилотда ишлаб чиқаришга оид буйруқлар лойиҳалари ким томонидан тайёрланиши ва улар қайси бўлимда сақланиши лозим?

– Корхонада иш юритуви ишлаб чиқариш йўналишига қараб, локал ҳужжатларга мувофиқ амалга оширилади, уларда ички ҳужжатларни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш, масъул шахсларни тайинлаш ва уларни сақлаш усуллари белгиланади.

Ишлаб чиқаришга оид буйруқларнинг лойиҳалари раҳбарнинг қарорига би-

ноан, қоидага кўра, улар дахлдор бўлган бўлинмаларнинг бошлиқлари томонидан тайёрланади ҳамда юрист билан келишилади.

Ишлаб чиқаришга оид буйруқлар ишлаб чиқариш бўлимида сақланиши тавсия этилади. Шунингдек барча ҳужжатларни махсус ажратилган хонада сақлаш мумкин.



Маълумотноманинг ҳақиқийлигини текширинг

Корхона ходими кетма-кет 4 кун ишга келмаган. У ишга чиққанидан кейин рўйхатдан ўтказилмаган ва берилган санаси қайд этилмаган маълумотнома нусхасини тақдим этган. Маълумотномада куйидаги маълумотлар келтирилган: Ф.И.О., туғилган йили, амбулатор даволанишда бўлган даври, ташхис, имзо, лавозими кўрсатилган (маълумотномада амалдаги «бош шифокор ўринбосари» лавозими ўрнига «шифокор» кўрсатилган), шифокорнинг шахсий муҳри, «касаллик варақалари учун» ёзуви билан уч-бурчакли муҳр босилган, муассаса номи кўрсатилган ва давллаш муассасасининг тўртбурчакли муҳри босилган. Бундан ташқари, ушбу маълумотнома белгиланган шакллarga: 094х, 095х ва 138х – мувофиқ келмайди. Маълумотноманинг маълумотноманинг асл нусхасини топшириш талабига ходим асл нусха даволоччи шифокорда қолган деб жавоб қилган. Тақдим этилган меҳнат лавқатсизлик тўғрисидаги маълумотнома нотўғри расмийлаштирилган бўлса, иш берувчи ходимни узрли сабабларсиз ишда бўлмаган деб ҳисоблаб, уни меҳнат интизомини бир марта қўпол равишда бузганликда айблаган ҳолда ходим билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиши мумкинми?

– Меҳнат вазифаларини бир марта қўпол равишда бузганлик учун меҳнат шартномасини бекор қилишда бу ҳолат ички меҳнат тартиби қоидаларига мажбурий тартибда киритилган бўлиши лозим.

Шунингдек ушбу ҳолат ташкилотингиздаги меҳнат шартномаси шартларида, интизом тўғрисидаги низом ёки уставда назарда тутилган бўлиши мумкин (МК 100-м. 2-қ. 4-б.).

Бундай ҳуқуқбузарлик юқорида айтиб ўтилган ҳужжатларнинг биронтасида назарда тутилган бўлса, у қўпол равишда эканлиги ёки йўқлигини яққа тартибда ва ҳолис ҳал этиш лозим.

Шу муносабат билан, меҳнат вазифаларини бир марта қўпол равишда бузганлик учун меҳнат шартномасини бекор қилиш бир вақтнинг ўзида интизомий жазо ҳам ҳисобланади, барча таомиллар назарда тутилган тартибда ва мuddатларда ўтказилиши керак (МК 182-м.).

Шунингдек даволаш муассасасидан маълумотноманинг ҳақиқий эканлигини тасдиқлаш учун унинг дубликатини (агар ҳақиқий нусхаси йўқолган бўлса) беришни сўраш тавсия этилади. Бу ходим қонуний ишдан бўшатилганлиги туфайли уни ишга

тиклашларини сўраб судга муурожаат қилган ҳолатларда қўшимча муаммоларни четлаб ўтишда асқотиши мумкин. Тиббий муассасанинг расмий жавоби ҳақиқингизни исботлашга ёрдам беради, тиббий муассаса раҳбарлари эса белгиланган тартибда зид ҳолда маълумотномани расмийлаштирган ва берган мансабдор шахсни аниқлаб берадилар ҳамда ходимнинг амбулатор даволанишда бўлганлиги далилини текшириб кўрадилар.

Ҳозирги пайтда тиббий муассасалар зиммасига жуда кўп қўшимча ишлар юкланган, даволоччи шифокор ходимга маълумотномани ёзиб берган ва ишлар қўплиги сабабли унга рўйхатдан ўтказиш ва муҳр бостиришни айтишнинг унутган бўлиши мумкин. Маълумотларни расмийлаштириш таомили ҳақида барча жиҳатларни кўпчилик билмайди. Маълумотномани рўйхатдан ўтказишдаги татоллик ходим ҳақиқатан ҳам бетоб бўлмаганлигини аниқламайди. Судга муурожаат қилган ходим эса ишга тиклашларига эришиши мумкин, бу корхона ортиқча харажат бўлиши мумкин. Айниқса бунинг учун тиббий муассасадан маълумотноманинг ҳақиқийлиги ҳақида суриштириш керак бўлади.

Бухгалтер тўлов чоғида пул маблағларини бошқа етказиб берувчига ўтказган, бунинг натижасида ташкилот банкка воситачилик ҳақи сифатида анча катта суммани тўлашга мажбур бўлган. Мазкур ҳолатда бухгалтерга қандай интизомий жазо чоралари ва огоҳлантиришлар қўлланилиши мумкин?

Бухгалтерни қандай жазолаш мумкин

– Меҳнат кодекси талаблари, шу жумладан меҳнат интизоми, интизомий жазо чоралари қисмида бирор-бир истисноли ҳолатлар мавжуд эмас, Улар эгаллаган лавозимдан қатъи назар, барча ходимлар учун ягонадир.

Шу тариқа, ходимга (мазкур ҳолатда - бухгалтерга) меҳнат интизоми бузганлиги учун иш берувчи қуйидаги интизомий жазо чораларини қўллашга ҳақли (МК 181-м.):

- 1) ҳайфсан;
- 2) жарима;

3) меҳнат шартномасини бекор қилиш (МК 100-м. 2-қ. 3, 4-б.).

«Огоҳлантириш» тариқасидаги интизомий жазо тури амалдаги қонун ҳужжатларида мавжуд эмас.

Интизомий жазони қўллашда уни қўллаш тартибига қатъий риоя этилиши лозим (МК 182-м.).

Бундан ташқари, ходим иш берувчига бевосита етказилган ҳақиқий зарарни тўлаши шарт (МК 198-м.). Зарарни қоплаш интизомий жазо ҳисобланмайди ва у билан бирга қўлланилиши мумкин.



Рад этиш ноқонуний

Ходим 26.08.2013 йилда ишга қабул қилинган. 2020 йил бошланмасидан йиллик таътиллар жадвали тузилган. 2020 йил март ойида ходим 26.08.2019 йилдан 26.08.2020 йилгача ишланган давр учун таътил олган. Оилавий шароитига кўра 2020 йил октябрь ойида ходим МКнинг 143-моддасига асосан (йиллик асосий таътил иккинчи ва ундан кейинги иш йиллари учун таътиллар жадвалига мувофиқ иш йилининг исталган вақтида берилади) 26.08.2020 йилдан 26.08.2021 йилгача бўлган давр учун меҳнат таътили беришларини сўраган. Ходимга таътил бир йилда бир марта берилишига асосланиб таътил берилмаган, чунки жорий йилда у таътил олиб бўлган.

Меҳнат таътили берилиши рад этилиши қонунийми?

– Иш даври календарь йилнинг ўртасидан (мазкур ҳолатда – 26 августдан) бошланган ҳолатларда, иш даври тугагунига қадар биринчи меҳнат таътили ва иш даври бошлангандан кейин иккинчи таътил берилиши мумкин. Бу қонун ҳужжатларига зид бўлади. Ҳар ҳолда ортиқча таътил тақдим этилмайди.

26.08.2020 йилдан 25.08.2021 йилгача бўлган давр учун таътил фақат 2020 йил 26 августдан кейинги исталган даврда берилиши мумкин. Таътил беришнинг бундай вариантлари таътиллар жадвалини тузишда ҳисобга олинмиши лозим. Таътиллар жадвалида жорий календарь йилида иккинчи таътил берилиши назарда тутилмаган бўлса, иш берувчи буни рад этишга ҳақли.

Иш берувчи ўзларига қулай бўлган вақтда таътил оладиган ходимлар рўйхатини ёддан чиқармаслиги лозим (МК 144-м. 3, 4-қ.). Ходим ушбу рўйхатга киритилган бўлса, унга жадвалдан ташқари таътил берилиши рад этиб бўлмайди, бунда навбатдаги иш даври бошлангандан кейин таътил берилади.

Карантин даврида мактабгача таъ-

лим муассасаларининг фаолияти тўхтатиб турилган пайтда ходимга меҳнат таътили, агар унинг боғчага чиқадиган ёки 1-синфдан 4-синфгача бошланғич мактаб ёшида бўлган болалари бўлса, жадвал бўйича эмас, балки унинг хоҳишига қараб берилиши мумкин (АВ томонидан 28.03.2020 йилда 3227-сон билан рўйхатдан ўтказилган Низомнинг 1, 2-бандлари).

Таътилдан фойдаланишнинг жадвалда белгиланган вақти ходим билан иш берувчининг келишувига биноан белгиланиши мумкин, бунда ходимни таътил жадвалидан ташқари бўлган иш даврида таътилга чиқишни сўрашга мажбур қилган сабаблардан келиб чиқилади (МК 144-м. 5-қ.).

Таътил беришда унинг муддати тугашига яқин меҳнат шартномаси бекор қилинадиган ҳолатларда ходимга фойдаланилган, бироқ ишлаб берилмаган таътил кунлари учун тўланган тўлов ушлаб қолиниши тушунтирилиши лозим (МК 164-м. 2-қ. 4-б.).

Таътил берилган давр тугайдиган сана қанчалик яқин бўлса, ишдан бўшатишда ушланмалар миқдори шунчалик кам бўлади ва аксинча.

«Собиқ» директор маъмурий жавобгарликка тортилади

Фирмада директор ўзгарди. Янги директор мавжуд ҳужжатларни инвентарлашдан ўтказди. Инвентарлаш натижасида собиқ директор томонидан имзоланмаган ҳужжатлар (шартномалар, ҳисобварақ-фактуралар ва ҳ.к.) борлиги аниқланди. Ушбу муаммони собиқ директор билан муҳокама этилганига қарамай, ҳужжатлар айни пайтга қадар лозим даражада расмийлаштирилган.

Ҳужжатлар ўз вақтида расмийлаштирилмаганлиги, шунингдек корхона бўйича асосий низомларнинг (ички меҳнат тартиби қоидалари, штат жадвали ва ҳ.к.) мавжуд эмаслиги учун собиқ директор учун қандай жавобгарлик чоралари назарда тутилган?

– Интизомий жазо чоралари (МК 181, 182-м.) эгаллаган лавозимдан қатъи назар, собиқ ходимларга нисбатан қўлланилмайди.

Зарар етказилганидан кейин меҳнат шартномасининг бекор қилиниши собиқ ходимни моддий жавобгарликдан озод этмайди (МК 185-м. 3-қ.).

Зарар етказилган ҳолатларда фаолият юритаётган раҳбарият собиқ директорни жавобгарликка тортиш учун суд инстанциясига мурожаат қилишга ҳақли. Бунинг учун иш берувчи унга тегишли талаб билан мурожаат этиши мумкин. Зарарни ихтиёрий равишда қоплаш рад этилган тақдирда, иш берувчи судга мурожаат қилиши лозим.

Текширув чоғида шартномалар ва ҳисобварақ-фактураларга имзо қўйилмаганлиги аниқланганда бунинг учун мансабдор шахс (собиқ директор) бухгалтерия ҳисобини юритиш тартибини бузганлиги учун маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин (МЖТК 175-1-м.). Маъмурий жазо ҳуқуқ-

бузарлик содир этилган кундан бошлаб 1 йилдан кечиктирмай, ҳуқуқбузарлик узок давом этганда у аниқланган кундан бошлаб 1 йил давомида қўлланилиши мумкин (МЖТК 36-м. 1-қ.).

Корхонанинг асосий локал ҳужжатлари (ички меҳнат тартиби қоидалари, штат жадвали) мавжуд эмаслиги ҳамда ички ҳужжатларнинг нотўғри расмийлаштирилганлиги учун мансабдор шахсларга БҲМнинг 5 бараваридан 10 бараварига миқдорда жарима солиниши мумкин (МЖТК 49-м.). Яъни текширув чоғида амалдаги директор жаримага тортилиши мумкин.

Корхонада илгари қабул қилинмаган (тасдиқланмаган) ҳужжатларга келадиган бўлса, уларни ўтган саналар билан расмийлаштириш бўлмайди. Шу боис ишдан бўшатирилган раҳбар фаолият юритган даврда ушбу ҳужжатлар мавжуд эмаслиги далилини ҳужжатларда (текширув далолатномаси) эътироф этиш ҳамда уларни ишлаб чиқариш ва жорий даврда янги директор имзоси билан тасдиқлашни тавсия этамиз.

Эълон ва реклама

«Жавоб берамиз» инфокиоскига ҳуш келибсиз

Солиқ солиш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳуқуққа оид мавзулардаги саволларингизга электрон қўлланмалар ва газета материаллари муаллифлари жавоб берадилар.

Жавобларни norma.uz сайтидаги «Жавоб берамиз» эксперт хизмати электрон ахборот киоскисидан топасиз.

Саволларни қуйидагича бериш мумкин:
✓ **аввал norma.uz сайтида рўйхатдан ўтиб, мурожаатни электрон кўринишда жўнатган ҳолда;**

✓ **(71) 200-00-59 бевосита алоқа телефони орқали (душанбадан жумагача соат 10.00 дан 17.00 гача).**



«КИЧИК КОРХОНА ЭЛЕКТРОН БУХГАЛТЕРИ»

Ўзбек тилидаги қўлланмасининг тақдим этамиз

Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1.
Тел.: (71) 200-00-90. E-mail: office@norma.uz,
[web: www.norma.uz](http://www.norma.uz)

Мулкдорга – устувор ҳуқуқ

Маҳаллий Кенгаш қоидаларни (ВМнинг 16.11.2019 йилдаги 911-сон қарорига 1-илованинг 15, 16-бандлари) бузган ҳолда, яқка тартибдаги уйлар жойлашган ер участкасининг олиб қўйлиши тўғрисида қарор қабул қилинганлиги ҳақида мулкдорларни мўлжалдаги лойиҳа билан олдиндан келишмасдан хабардор қилди ва улар битим тузишлари керак бўлган ягона инвесторни маълум қилди. Мулкдорлар Кенгаш томонидан қабул қилинган қарор регламенти, инвесторни танлаш жараёни, тендер ўтказиладиган вақт ҳақида маълумот берилмаган ҳолда хабардор қилинди.

Кенгашнинг ҳаракатлари қонунийми?

– Кенгашнинг ҳаракатлари қонунийлиги суд томонидан баҳоланиши мумкин.

Инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун тақдимот ва бошқа материалларни кўриб чиқишда уларни очик муҳокама қилиш назарда тутилади (Низомнинг 2-боби 4-параграфи, ВМнинг 16.11.2019 йилдаги 911-сон қарорига 1-илова). Очик муҳокамани ўтказишда қарор қабул қилиниши мумкин. Инвестиция лойиҳасини очик муҳокама қилиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган кундан бошлаб 20 кун мобайнида (бирок очик муҳокама ўтказиладиган кундан камидан 7 кун олдин) инвестор томонидан юборилиши шарт. Шунингдек ҳокимиятнинг расмий сайтларида, ОАВда ҳамда Интернет тармоғида ҳар кун эълон бериш орқали хабардор қилинади (Низомнинг 30, 31-б.).

Очик муҳокама халқ депутатлари Кенгашининг очик муҳокамани ўтказиш тўғрисидаги қарори қабул қилинган кундан бошлаб 20 кун мобайнида ўтказилади. Кўчмас мулк объектлари мулкдорларига очик муҳокама ўтказиш санаси ва жойи кўрсатилган ёзма равишдаги хабарнома Кенгашнинг очик муҳокамани ўтказиш тўғрисидаги қарори қабул қилинган кундан бошлаб 2 кун мобайнида (бирок очик муҳокама ўтказиладиган кундан камидан 7 кун олдин) инвестор томонидан юборилиши шарт. Шунингдек ҳокимиятнинг расмий сайтларида, ОАВда ҳамда Интернет тармоғида ҳар кун эълон бериш орқали хабардор қилинади (Низомнинг 30, 31-б.).


Очик муҳокама ОАВ иштирокида ўтказилади. Унинг якуни бўйича баённома расмийлаштирилади ҳамда ин-

вестор ва барча мулкдорлар томонидан имзоланади, сўнгра ҳокимиятнинг расмий сайтыда эълон қилинади (Низомнинг 33-б.).

Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга бўлган мулк ҳуқуққа келадиган бўлса, тақдимот материаллари келиб тушган кундан бошлаб 5 иш кун мобайнида ҳокимият кўчмас мулк объектлари мулкдорларига инвестиция лойиҳасини амалга ошириш бўйича устувор ҳуқуқидан фойдаланиш бўйича таклифни ёзма равишда тақдим этиши шарт (Низомнинг 15-б. 2-хатбошиси). Аҳоли пунктлари бош режаларининг бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига объектларни куриш қисмини ижро этиш доирасида худудни ривожлантириш ва архитектура қиёфасини яхшилашга қаратилган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш биринчи навбатда бевосита тегишли худудда жойлашган кўчмас мулк объектлари мулкдорига таклиф этилади (Низомнинг 16-б. 1-хатбошиси).

Шу тариқа, инвестиция лойиҳасида уни очик муҳокама қилиш назарда тутилган. Тегишли қарор халқ депутатлари Кенгаши томонидан қабул қилинади. Олиб қўйилиши режалаштириладиган ер участкаларида жойлашган кўчмас мулк объектлари мулкдорларини очик муҳокама ўтказиши тўғрисида хабардор қилиш инвестор томонидан таъминланади, шунингдек ҳокимият сайтыда ҳар кун эълон бериш орқали хабар қилинади. Кўчмас мулк эгаси инвестиция лойиҳасини амалга оширишда устувор ҳуқуққа эга бўлади.

Наргиза Воҳидова,
«Norma» МЧЖ эксперти.



Йўлни ҳокимият таъмирлайди

Турар жойга туташ бўлган автомобиль йўлининг тирбанд қатнов қисмига асфальт ётқазилиши учун жамоавий мурожаатни қайси инстанцияга ёзиш керак?

– Ўзбекистон Республикасида автомобиль йўллари қуйидагича таснифланади:

– умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари;

– шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларидаги кўчалар;

– хўжалик автомобиль йўллари («Автомобиль тўғрисида»ги Қонуннинг 8-моддаси).

Саволдан келиб чиқадиган бўлса, шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларидаги кўчалар ҳақида сўз бормоқда. Шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларидаги кўчалар шаҳарлар, шаҳар посёлкалари, қишлоқ ва овуларда жойлашган бўлади. **Шаҳарлардаги**

кўчалар маҳаллий давлат ҳокимияти органлари – ҳокимликлар тасарруфида бўлади (Қонуннинг 10-моддаси).

Автомобиль йўлларининг таъмирлаш ва сақлаш ушбу йўллар тасарруфида бўлган юридик ва жисмоний шахслар томонидан таъминланади (Қонуннинг 15-моддаси).

Бундан келиб чиққан ҳолда сиз йўлнинг қатнов қисмини таъмирлаш, асфальт ётқазиш масалалари бўйича туман ёки вилоят ҳокимиятига мурожаат қилишингиз лозим.

Нурали Нурмухамедов,
«Norma» МЧЖ эксперти.

Қоидалар ҳаммага ҳам татбиқ этилавермайди

Хар бир оила аъзосига тўғри келадиган ўртача ойлик жами даромад маҳалла фуқаролар йиғинига моддий ёрдам сўраб ариза тақдим этилишидан олдинги 3 ой учун ҳисобланади.

Уни ҳисоблашга оид талаблар иш ҳақи мавжуд бўлмаганлиги сабабли жами даромад тўғрисидаги маълумотда фақат охириги 2 ойлик даромад кўрсатилган ҳолатларда татбиқ этиладими?

– Оиланинг меҳнатга лаёқатли ҳар бир аъзосининг ўртача ойлик даромадлари тўғрисида тақдим этилган маълумотларда даромад суммаси кўрсатилмаган бўлса ёки МҲЭКМнинг 87,9%идан кам сумма кўрсатилган бўлса, ҳисоблаш учун МҲЭКМнинг 87,9%ига тенг бўлган норматив даромад миқдори қабул қилинади.

Ушбу сумма даромадни нормативдан паст кўрсатган ёки даромади мавжудлиги тўғрисидаги маълумотларни тақдим этмаган оила аъзоларининг ҳар бирига нафақа ёки моддий ёрдамга мурожаат қилинган ойда белгиланади.

Ушбу тартиб қуйидагиларга нисбатан қўлланилмайди:

– бола уч ёшга тўлгунга қадар унинг парвариши билан банд бўлган оналарга (уларнинг ўрнини босувчи шахсларга);

– таълим муассасаларида ўқиётганларга (меҳнат шартномасига мувофиқ ишларни амалга ошириш ҳолати бундан мустасно);

– ишламайдиган пенсионерларга, пенсия тайинлаш учун зарур бўлган иш стажига эга бўлмаган қарияларга ва меҳнатга лаёқатсизлик юзасидан нафақа олувчи фуқароларга, болалик-

дан ногиронлиги мавжуд шахсларнинг оналарига, болаликдан ногиронлиги мавжуд шахсларга, ОИВ инфекциясига чалинган шахсларга, шунингдек, I ёки II гуруҳ ногиронлиги мавжуд шахсларга;

– амалда шахсий ёрдамчи (деҳқон) хўжалигини юритиш билан банд бўлган оила аъзосига;


– ўзганинг парваришига муҳтож бўлган оила аъзосини парвариш қилаётганларга;

– оиланинг «Хар бир оила – тadbиркор» дастури доирасида оилавий тadbиркорликда банд бўлган, бироқ ушбу дастур бўйича микрокредит олинган санадан бошлаб кўпи билан 12 ой банд бўлган аъзоларига;

– оила аъзоларига, агар ариза берувчининг яшаш манзилида 2 ой ва ундан ортиқ муддатда бошқа оила аъзолари билан биргаликда яшамётган бўлса;

– туман (шаҳар) аҳоли бандликка кўмаклашиш марказига иш қидирувчи сифатида расмий мурожаат қилган ёки ишсиз сифатида рўйхатга олинган фуқароларга (Низомнинг 24-банди, ВМнинг 15.02.2013 йилдаги 44-сон қарорига 1-илова).

Наргиза Воҳидова,
«Norma» МЧЖ эксперти.



Кетишга улгурмади

Чет эл фуқароси карантин жорий этилгунга қадар бошқа хорижий давлатга доимий яшаш жойига кетиш учун пропискadan ўчган, бироқ чегаралар ёпилиб қолганлиги сабабли кетолмай қолган.

Ҳозир у Ўзбекистондаги аввалги яшаш жойига прописка қилиниши мумкинми?

– Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар бошқа давлатдаги доимий яшаш жойига кетиши муносабати билан пропискadan ўчганидан кейин 1 йил давомида республикадан чиқиб кетолмаган, яъни Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини кесиб ўтолмаган тақдирда, улар тегишли миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими (МваФРБ) томонидан **аввалги яшаш жойи бўйича** ёки республиканинг бошқа ҳудудларида **доимий прописка қилинадилар**.

Бунда чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс доимий прописка учун МваФР бўлимига республикадан чиқиб кетолмаганлигининг тўлиқ сабабларини кўрсатган ҳолда ариза билан мурожаат қилади.

Аризага куйидагилар илова қилинади:

➢ чет эл фуқаросининг паспорти ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг ҳаракатланиш ҳужжати;

➢ 16 ёшга тўлмаган шахслар учун — туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома;

➢ уй-жой кадастр ҳужжатлари (кадастр паспорти, кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестридан кўчирма);

➢ уй-жой мулкдорининг (мулкдорларининг) турар жой майдони бериш тўғрисидаги аризаси (розилиги) ёхуд агар шахсан ўзи бериш имкони мавжуд бўлмаса нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги);

➢ кетиш варақаси.



Прописка қилганлик учун Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган миқдорда давлат божи ундирилади (Низомнинг 21-1-банди, ВМнинг 22.10.2018 йилдаги 845-сон қарорига 2-илова).

Ишончнома бўйича ёзиб берилади

Июль ойида квартира сотиб олдим. Сотиб олиш чоғида нотариусда ушбу квартиrada прописка қилинган барча оила аъзолари 30 кун ичида пропискadan чиқиш мажбуриятини имзоладилар. Бироқ прописка қилинганлардан бири ҳали пропискadan ўчмасдан қамоққа тушиб қолди.

Уни қандай пропискadan чиқариш мумкин?

– Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларни рўйхатдан чиқариш маҳкумнинг ишончномаси асосида ёки уй-жой биносидан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотганлик ҳақидаги суд қарорига мувофиқ амалга оширилади (Низомнинг 11-б., ВМнинг 845-сон қарорига 1-илова).

Шу тариқа, сотилган квартиrada доимий прописка қилинган ва айна пайтда қамоқда бўлган шахсни пропискadan чиқариш учун маҳкум жазони ўтаётган жойида ундан пропискadan чиқариш тўғрисидаги ишончномани ўз номингизга ёзиб беришини талаб қилишингиз лозим. Ишончномани талаб қилиб олиш имконияти бўлмаган тақдирда, унинг уй-жой биносидан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотиши тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилишга ҳақлисиз.



Пандемиядан кейин меҳмонга

Пандемия тугаганидан кейин Қозоғистондаги қариндошларимизни меҳмонга қақирмоқчимиз.

Улар учун турар жой тақдим этадиган уй эгаси нималарни билиши лозим?

Ўзбекистон Республикаси бўйлаб уларнинг ҳаракатланиш тартиби қандай?

Қариндошлар дам олиш уйлари ёки санаторийларга расмийлаштирилган тақдирда, уларни таклиф қилган шахс нималар қилиши лозим?

– Чет эл фуқароларини Ўзбекистон Республикасига нотижорат мақсадларда шахсий ишлар бўйича таклиф қилган ва уларга уй-жой майдонини берган шахслар куйидагиларга мажбур:

➢ уларни куйидаги йўллар билан вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш чораларини кўрадилар:

➢ агар чет эл фуқароларининг Ўзбекистон Республикасида бўлиш муддати 30 кундан ортиқ бўлса, ҳудудий ички ишлар органларига шахсан мурожаат этиш орқали хабардор қилиши;

➢ агар чет эл фуқароларининг Ўзбекистон Республикасида бўлиш муддати тўлиқ 30 кундан ошмаса, Дастур ёрдамида ёки ҳудудий ички ишлар органларига шахсан мурожаат этиш орқали;

➢ чет эл фуқаролари учун белгиланган Ўзбекистон Республикасида бўлиш муддати тугаганидан кейин уларнинг Ўзбекистон Республикасидан чиқиб кетишига ёрдам беришлари шарт.

Бу шахслар томонидан чет эл фуқароларига уй-жой, транспорт воситалари бериш ёхуд бошқа хизматлар кўрсатиш Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари ва Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлиши қоидалари бузилишига олиб келиши олдиндан маълум бўлган ҳолларда ушбу шахсларнинг чет эл фуқароларига уй-жой, транспорт воситалари беришига ёхуд бошқа хизматлар кўрсатишига йўл қўйилмайди (ВМнинг 21.11.1996 йилдаги 408-сон қарорига 2-илова).

Чет эл фуқаролари Ўзбекистон Республикасининг ўзларига ташриф учун рухсат берилган ҳудудидагина ҳаракатланишлари шарт.

Чет эл фуқаролари вақтинча бўлиш пунктига етиб келганларидан кейин таклиф қилган (қабул қиладиган) шахслар, ташкилотлар уларни Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларида Дастур воситасида ёки ҳудудий ички ишлар органларига ёзма мурожаат қилиш орқали вақтинча рўйхатдан ўтказишлари шарт.

Жойлаштириш воситаларида ёки даволаш муассасаларида турган чет эл фуқаролари мазкур муассасаларда ҳисобдан ўтадилар.

Ўзбекистон ҳудудида доимий яшайдиган ва яшаш гувоҳномаларига эга бўлган чет эл фуқароларини вақтинча рўйхатдан ўтказиш уларнинг муайян яшаш жойида турадиган даври учун амалга оширилади. 3 суткадан то 6 ойгача даврга вақтинча рўйхатдан ўтказиш шахсни доимий яшаш жойидан ўчирмаган ҳолда амалга оширилади. Хизмат сафарига, таътилга, дам олиш ёки даволашга жўнаб кетаётганлардан ташқари бошқа шахсларни 6 ойдан ортиқ муддатга вақтинча рўйхатдан ўтказиш шахсни доимий яшаш

жойидан ўчирган ҳолда амалга оширилади (Қоидалар 14-б.).

Қабул қилувчи ташкилотлар йўналиши бўйича келган чет эл фуқароларининг чегара зонасига ва ташриф учун ёпиқ бўлган жойларга кириши ҳамда ҳаракатланиши:

➢ ушбу ташкилотларнинг ёзма мурожаатлари асосида;

➢ шахсий ишлар билан келган чет эл фуқароларининг чегара зонасига ва ташриф учун ёпиқ бўлган жойларга кириши ҳамда ташриф учун ёпиқ бўлган жойларга кириши ҳамда ҳаракатланиши:

Қабул қилувчи ташкилотларнинг илтимосига кўра чет эл фуқароларига кўп марта кириш ва ҳаракатланиш учун рухсатномалар берилиши мумкин (Қоидалар 15-б.).

Ташқи ишлар вазирлиги ҳузурда аккредитация қилинган чет эл фуқароларининг ЎзР ҳудудида ҳаракатланиш тартиби, агар Ўзбекистон иштирокчиси бўлган халқаро келишувларда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, икки томонлама шартномалар билан ва тенглик асосида белгиланади (Қоидалар 16-б.).

Ўзбекистондаги турар жойини ушбу Қоидаларни бузган ҳолда ўзгартирган чет эл фуқаролари ички ишлар органларининг талаби билан олдинги турар жойларига қайтишлари ёки танлаган бориш пунктларига мувофиқ юришлари шарт (Қоидалар 18-б.).

Бутун оила учун кўп марталик виза

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилган халқаро ва хорижий нодавлат нотижорат ташкилотларининг ваколатхоналари ва филиаллари ходимлари ва уларнинг қармоғида бўлган оила аъзоларига кўп марталик визаларни бериш мумкинми?

– Кўп марта фойдаланиладиган визалар уч йилгача муддатга ЎзР Ички ишлар вазирлиги томонидан хорижий фуқароларнинг куйидаги тоифаларига ва уларнинг оила аъзоларига берилади:

а) ваколатхона ходимининг аккредитация қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлган тақдирда, ЎзР Инвестициялар бўйича давлат кўмитаси аккредитация қилинган фирмалар ва компаниялар доимий ваколатхоналари ходимларига берилади. Виза хорижий фирма ёки компаниянинг доимий ваколатхонаси илтимосномаси асосида берилади;

б) хорижий фуқаронинг хорижий банк ёки бошқа молия ташкилоти штатига киритилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлган тақдирда, қонунчиликда белгиланган тартибда Ўзбекистонда рўйхатга олинган хорижий банк ёки бошқа молия ташкилоти ходимларига берилади. Виза хорижий банк ёки бошқа молия ташкилотининг илтимосномаси асосида берилади;

в) Ўзбекистонда рўйхатдан ўтказилган ёки аккредитация қилинган кўшма корхоналар ва 100% хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар ходимларига, улар Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг меҳнат фаолияти кўрсатиш учун рухсатномасини олганларидан сўнг, агар икки томонлама ва кўп томонлама ҳуқуқматларо Битимлар билан бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, берилади. Виза корхона илтимосномаси асосида берилади;

г) инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда қатнашаётган хорижий компанияларнинг мансабдор шахслари ва мутахассисларига визалар Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, идоралари ва ҳўжалик бирлашмалари раҳбарларининг илтимосномалари асосида берилади;

д) хорижий инвестицияли корхоналарнинг муассислари (иштирокчилари) ва уларнинг оила аъзолари учун (Тартибнинг 6-б., ВМнинг 408-сон қарорига 1-илова).

Иш берувчи ходимни ишга тиклашга рози бўлмаганда

Меҳнат шартномаси бекор қилинишига рози бўлмаган ходим судга мурожаат қилди. Суд ишдан бўшатиш ҳолатини ноқонуний деб топиб, ходимни аввалги ишга тиклаш тўғрисида қарор қабул қилди. Ушбу қарордан норози бўлган иш берувчи нима қилиши лозим? Мазкур ҳолатда қандай тўғри ҳаракат қилиш ҳақида «Norma» компаниясининг меҳнат ҳуқуқи бўйича эксперти Ленера Хикматова сўзлаб берди:

— Суднинг қарори 20 кундан кейин кучга киришига қарамай (ҳеч ким шикоят қилмаганда ва протест келтирмаганда), иш берувчи томонидан қарор дарҳол ижро этилиши лозим (ФПК 266-м.).

Шу тариқа, иш берувчи суднинг қарорига рози ёки ундан норози эканлигидан қатъи назар, у ходимни аввалги ишга тиклаши шарт. Бу у биринчи қиладиган ишдир.

Иккинчи навбатда, у суднинг қарори асосли ва адолатли эканлигини текшириш тўғрисидаги шикоят (ариза) билан мурожаат қилиши мумкин. Бундай текширув апелляция, кассация ёки назорат шикояти ёхуд янги очилган ҳолатлар бўйича қарорни қайта кўриб чиқиш тўғрисидаги ариза бўйича кўзгатилиши мумкин.

Апелляция шикояти

Апелляция ҳали қонуний кучга кирмаган суднинг қарори устидан берилади. Иш берувчи суднинг қарори чиқарилган кундан бошлаб 20 кун мобайнида шикоят қилиши мумкин (ФПК 383-м. 1-қ.).

Фуқаролик ишлари бўйича тегишли туманлараро, туман (шаҳар) судлари, Қорақалпоғистон Республикасининг фуқаролик ишлари бўйича суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар фуқаролик ишлари бўйича суднинг қарорлари устидан апелляция шикояти Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича суди ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар фуқаролик ишлари бўйича судлари томонидан кўриб чиқилади (ФПК 384-м.).

Масалан, иш Тошкент шаҳар Яққасарой туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судида кўрилганда, апелляция шикояти Тошкент шаҳар фуқаролик ишлари бўйича суди томонидан кўриб чиқилади.

Кассация шикояти

Иш берувчи бирор-бир сабабларга кўра апелляция шикоятини бермаган бўлса (улгурмаган ва ҳ.к.), у суднинг қарори қонуний кучга кирган кундан бошлаб 6 ой мобайнида кассация шикоятини берилшига ҳақлидир (ФПК 403-м. 1-қ.).

Бир иш бўйича ҳам апелляция, ҳам кассация шикояти берилиши мумкин эмас. Фуқаролик судига фақат битта: ёки апелляция, ёхуд кассация шикояти берилади.



Кассация шикояти, апелляция шикояти каби, юқорида айтиб ўтилган судлар томонидан кўриб чиқилади. Кассация шикояти кассация инстанцияси судига юборилади, бироқ, у апелляция шикояти каби, қарор чиқарган судга тақдим этилади (ФПК 405-м. 1-қ.). Мазкур суд кўриб чиқиш учун шикоятни юқори турувчи судга юбориши.

Кассация шикояти биринчи инстанция судининг қарори ижро этилганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар – иш берувчининг ходимни ишга тиклаш тўғрисидаги буйруғи илова қилинган ҳоллардагина қабул қилинади (ФПК 405-м. 4-қ.).

Назорат инстанциясига шикоят қилиш

Апелляция ёки кассация тартибда кўриб чиқилган ишлар бўйича суд ҳужжатлари устидан назорат тартибда шикоят қилиниши мумкин (ФПК 422-м. 1-қ.).

Яъни, иш берувчи апелляция ёки кассацияда ютқазган тақдирда, у назорат тартибда шикоят қилишига ҳақли. Бундай шикоят апелляция ёки кассациядан фарқли ўларок, қарор чиқарган судга эмас, балки тўғридан-тўғри Олий судга берилади.

Назорат инстанциясига шикоят биринчи инстанция судининг қарори қонуний кучга кирган кундан бошлаб 1 йил мобайнида берилиши мумкин (ФПК 426-м. 1-қ.).

Олий суднинг судьяси шикоятни ўрганиб чиқиш натижалари бўйича қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

- назорат тартибда қайта кўриб чиқиш учун асослар мавжуд эмаслиги тўғрисида қарор;
- аввал қабул қилинган қарорларда ҳуқуқбузарликларга йўл қўйилган деб ҳисоблаганда, Олий суднинг Фуқаролик ишлари бўйича суд ҳайъатига мавжуд далиллар бўйича кўриб чиқиш учун шикоят билан бирга иш ҳужжатларини юбориш тўғрисида қарор (ФПК 430-м.).

Қонуний кучга кирган суд ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриб чиқиш

Шунингдек иш берувчи янги очилган ҳолатлар бўйича ишни қайта кўриб чиқиш тўғрисидаги ариза-ни улар аниқланган кундан бошлаб 3 ой мобайнида тақдим этиши мумкин (ФПК 439-м. 1-қ.). Булар қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

➢ иш берувчи иш учун аҳамиятли эканлигини билмаган ва билиши мумкин бўлмаган ҳолатлар, агар улар ишни тўғри ҳал этишда аҳамиятга эга бўлса;

➢ суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан белгиланган, қарорнинг ноқонуний, асосланмаган ёки адолатсиз бўлишига олиб келган билиб туриб берилган гувоҳнинг ёлғон кўрсатмалари ва эксперт хулосаси, билиб туриб қилинган нотўғри таржима, қалбаки ҳужжатлар ёки келтирилган ашёвий далиллар ва ҳ.к. (ФПК 437-м. 2-қ.).

Суд янги очилган ҳолатлар бўйича ишни қайта кўриб чиқиш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиб ёки аризани қаноатлантиради ёхуд қарорни, ажримни бекор қилади ёки уни қайта кўриб чиқишни рад этади.

Ажрим ишда иштирок этаётган шахсларга тил-хат олинган ҳолда топширилади ёхуд почта орқали ёки электрон ҳужжат шаклида юборилади (ФПК 443-м.).

Ариза қаноатлантирилган тақдирда, иш суд томонидан умумий асосларда қайта кўриб чиқилади (ФПК 445-м.).

Реклама

«КОРХОНА ЮРИСТИ» NORMA

электрон маълумотнома тизимини
ЎЗБЕК ТИЛИДА тақдим этамиз

Тошкент ш., Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1. Тел. (71) 200-00-90.
E-mail: office@norma.uz, web: www.norma.uz

Иқтисодий-ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ ХУҚУҚ СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma» МЧЖ

Газета 2018 йил 12 июнда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.
Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

Нашр учун масъул – бош муҳаррир ўринбосари, масъул котиб
Фарҳод Собирович ҚУРБОНБОЕВ

Надир Носирович АЛИМОВ

Саҳифаловчи Наталья БАРАНОВА

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1,
Тахририят тел. (71) 200-00-90
Обуна бўлими тел. (71) 200-00-30
E-mail: sbx@norma.uz, gazeta@norma.uz, web: norma.uz

Обуна, газеталар, китоблар, газеталарнинг электрон версияларини етказиб бериш ва харид қилиш масалалари бўйича (71) 200-00-30;
«Norma» АҚТ бўйича – (71) 200-00-90;
Рекламини жойлаштириш бўйича (71) 231-07-91 телефон рақамларига мурожаат қилиш мумкин.

Газета нашри – «TOPPRINT» МЧЖнинг компьютер базада терилди ва саҳифаланди.
Нашр кўрсаткичи – 186. Қўзғалдириш – А3. Ҳажми – 2 босма табоқ. Басдириш ва тарқатиш нарҳида.
Буюртма г-1122. Адади 540. Газета 2020 йил 16 ноябрь соат 16.00 да топширилди.

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида босилди, манзил: «Буёқ Турон» кўчаси, 41. 123456 ISSN 2010-5223